



100070, Toshkent shahar, Miroqilov ko'chasi, 68^а
Te1.: (371) 252-20-63, 252-20-65
Fax (371) 255-77-07
e-mail: info@uzsm.uz
site: www.uzsm.uz

68^а, Mirokilov str., 100070 Tashkent city
Te1.: (371) 252-20-63, 252-20-65
Fax (371) 255-77-07
e-mail: info@uzsm.uz
site: www.uzsm.uz

ПРЕСС-РЕЛИЗ

2016 йил 2 март куни соат 15⁰⁰ да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси томонидан соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

Хозирда «Ўзқурилишматериаллари» АК таркибida жаъми 120 та дан ортиқ йирик, кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, уларда 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда бозорни маҳаллий рақобатбардош қурилиш материаллари билан янада тўлдириш, импорт ўрнини босишини чукурлаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш максадида компания томонидан доимий равишда бозорнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи ўрганиб борилмоқда ҳамда қурилиш материалларини импорт ва экспорт килишнинг мониторинги ва таҳлили олиб борилмоқда.

Сўнгти йилларда, қуидаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан ортиқ миқдорга оширилди:

Гипскартон - умумий куввати 60,0 млн.кв.м дан ортиқроқ бўлиб, республика эҳтиёжи қондирилмоқда ва экспорт қилинмоқда;

Қуруқ қурилиш коришмалари – 50 дан ортиқ корхоналар ва 15 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар умумий йиллик кувватии - 400,0 минг тонна.

Сопол плиткалар («ТошҚМК» АЖ - 2,0 млн.кв.м, «Moderna Ceramic Industries Fergana» ҚҚ, Фарғона ш. - 3,5 млн.кв.м). Бугунги кунда амалдаги кувватлар 13,0 млн.кв.м ни ташкил этаётган бўлиб, 2016-2017 йилларда 16,0 млн.кв.м дан ортиқ ҳажмдаги қувватларни ишга тушириш кутилмоқда, улардан: «Prime Ceramics» МЧЖ, Самарқанд ш. – 2.75 млн.кв.м, «Ehsan Maybod Manufacturing Group» ХК МЧЖ, Ташкент вилояти, Юкори –Чирчик тумани – 2.1 млн.кв.м.

“Майолика” безакловчи материалларини ишлаб чиқариш «Art Mosaic» МЧЖ, «Azia Mosaic» МЧЖ, «Bill Tosh» МЧЖ ва «Fiammata» МЧЖ ларда ўзлаштирилган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан мазкур маҳсулот ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши ва кенгайтирилиши натижасида сўнгти 3 йил ичидаги импорт ҳажми талаб ва эҳтиёжнинг ўсиб бориши даврида 3,5 баробарга камайди.

Шиша пластикли арматурани ишлаб чиқариш «Boston Tekstil» МЧЖ ва «ARM Composite» МЧЖ лар томонидан ўзлаштирилган бўлиб, улар 2015-2019 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сонли қарори).

Бундан ташқари, «Мега инвест индастриал» МЧЖ томонидан Жиззах вилоятида куввати 2,5 минг тонна бўлган узлуксиз базалт толаси ва базалт-пластикли арматурани ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш лойиҳаси амалга оширилаётган бўлиб, лойиҳа қиймати 51,8 млн.АҚШ долларини ташкил этади ва лойиҳа 2016-2018 йилларда амалга оширилади.

Бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи ПФ-4707-сонли Фармонига асосан “2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришишларни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялашга оид чора-тадбирлар Дастурига киритилган.

Иссиқликни сақловчи материаллар - «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида куввати 10,0 минг тонна бўлган қиймати 16,03 млн.АҚШ доллариллик иссиқликни сақловчи материалларни (базалт толаси, мотлар, плиталар) ишлаб чиқариш ишга туширилган бўлиб, у республиканинг мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қоплайди.

«Eco climat» МЧЖ томонидан “Жиззах” МИҲ да куввати 10,0 минг тонна бўлган шиша момиқ асосида иссиқликни сақловчи буюмларни (мотлар, плиталар) ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланган бўлиб, лойиҳа 2016 йилда ишга туширилади.

Санитария-техника керамикаси.

Бугунги кунда республикадаги 2 та корхона томонидан санитар-техника керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўйлга қўйилган:

– «Гранд арт керамикс» ҚҚ - Тошкент вилояти Чиноз туманида жойлашган бўлиб, йиллик қуввати 75,0 минг донага тенг;

– «Kapsantex» УК - Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган бўлиб, йиллик қуввати 25,0 минг донага тенг.

Шу билан бирга 2016 йилнинг I-чорагида, Тошкент шаҳрида жойлашган “Конвектор” МЧЖ томонидан қуввати 100,0 минг дона буюм бўлган санитария-техника керамикасини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш режалаштирилган.

Бугунги кунда республикада керамогранит маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш устида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

«National Ceramics» ҚҚ МЧЖ томонидан “Ангрен” МИҲ да умумий йиллик қуввати 4,5 млн.кв.м бўлган керамогранит ва сопол плиткаларни ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ишлари якунланмоқда. Лойиҳа қиймати 21,1 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, 2016 йилда ишга туширилади.

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида «Люкс Гранит» МЧЖ томонидан йиллик қуввати 3,0 млн.кв.м бўлган керамогранит ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланган (аввали “Кулол” АЖ худудида). Бунда жаҳоннинг илғор ишлаб чиқарувчиларининг асбоб-ускуналари жалб қилинади («SITI B&T», Италия). Объектни 2017 йилда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Германиянинг «Кнауф Интернационал Гмбх» компанияси томонидан қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқарувчи корхонани қуриш (йиллик қуввати – 120,0 минг тонна) ва гипскартон ишлаб чиқаришни кенгайтириш (йиллик қуввати – 8,0 млн.кв.м) учун 52,5 млн.АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни киритиш режалаштирилмоқда.

Мазкур келишув ЎзР Президентининг 12.03.2015й. даги ПҚ-2316-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида” ги қарорига киритилган.

Ўзбекистон-Германия ишбилармонлик кенгашининг йигилишида (ГФР, Берлин ш.) “Ўзкурилишматериаллари” АҚ ва «Кнауф Гипс Бухоро» ҲҚ МЧЖ ўртасида қуруқ қурилиш қоришмалари ва гипскартон листларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг асосий тамойиллари тўғрисида келишув имзоланди.

Тошкент вилояти Чирчик шаҳрида «Кристалл» ҚҚ томонидан шиша кристаллит маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунда инвестициялар ҳажми 9,0 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, шулардан 5,0 млн.АҚШ доллари – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Ишлаб чиқариш қуввати 100,0 минг кв.м ни ташкил этади.

Кейинги 10 йил ичida Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллион тоннадан 8,25 миллион тоннага кўпайди.

Республикада цементга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида «Бекободцемент» ОАЖ да фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш линияси модернизация қилиниб қуруқ усулда йилига 850 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилди, натижада 220 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида қуввати йилига 350,0 минг тонна оқ цемент ёки 760,0 минг тонна портландцемент ишлаб чиқарувчи корхона қуриб битказилди ҳамда 340 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, 2015 йилдан бошлаб корхонанинг қувватини 1,0 млн.тоннага етказиш бўйича ишлар бошланиб, жорий йилда мазкур лойиҳа амалга ошиши кўзда тутилган.

Андижон вилоятидаги «Sing Lida» ҚҚ ва Фарғона вилоятидаги «Фарғона цемент» МЧЖ да ҳам цемент ишлаб чиқариш йўлга кўйилиб, Фарғона водийсини қисман цементга бўлган эҳтиёжини қисман қондиришга хизмат қилмоқди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги №2439 сонли қарорига асосан Намангандаги вилоятида умумий қуввати 600 минг тонна бўлган 2 та цемент ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Хукуматимиз томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ, тармоқ бўйича бир нечта лойиҳаларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига мувофиқ **2016 йилда** 6 та лойиҳани ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бунда 14,31 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилади ва 100 та янги иш ўрини яратилади.

Шу билан бирга 2015-2019 йилларга мўлжалланган Таркибий ўзгартришларни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурига мувофиқ 2016-2019 йилларда бир нечта лойиҳаларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

2016-2019 йиллар учун Маҳаллийлаштириш дастурига асосан 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда: санитар-техник сопол буюмлар, девор ва шифтлар учун обойлар, композитли материаллар (уголоклар, тўртбурчакли қувурлар, швеллерлар, арматура), графитдан ишланган металли ва металлизиз буюмлар, фторпластдан ишланган буюмлар, графит билан тўйинган капролонли буюмлар, сопол плиткалар, кўпчиган перлитли буюмлар, “бикром” юмшоқ томёпкич материали, шиша кристаллит, “Майолика” шишасидан ишланган безакловчи материаллар.